



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақдирга бини билан Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров рафиқаси билан бирга 18 июль куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Тошкент шаҳри халқаро аэропортида уларни давлатимиз раҳбари ва рафиқаси кутиб олди. Олий мартабали мەхмон шарафига икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилиб, фахрий қоровул саф тортиди.

Кўшинисига яхшилик соғиниб, ҳамisha тинч бўлишини тилаган, ютуғидан қувонадиган халқимиз. Оларимиз тансиқроқ бирор егулик пиширса аввал бир девор нарига, ҳамсосияга илинг. Узига раво кўрганини бошқалар билан ҳам бўлишган. Бунда катта ҳикмат бор.

Ота-боболаримиз бир рўзгорнинг бошқалардан айро бахтиёр бўла олмаганини яхши билган. Кучининг бириликда эканлигини таъкидлашларининг мазноси ҳам шунда.

Мамлакатимизнинг кейинги йилларда қўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга интилаётгани замирида ҳам ана шу кўп йиллик қадрият муҳассас.

Ўзбекистон Қирғиз Республикаси билан "бир девор" қўшни. Қуда-анда, борди-келди, олди-сотди масалалари ўзига хос тарихга эга.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров Тошкент шаҳрига келгач, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ҳамроҳлиқда "Янги Ўзбекистон" боғига ташриф буюрди.

Олий мартабали мەхмон "Янги Ўзбекистон" боғидаги Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Мажмуа билан қисқача танишув асосида Қирғиз Республикаси делегацияси вакиллари мазкур ансамбль мазмуни ва мезморий ечимлари ҳақида мазлумот берди.

Делегация аъзолари мажмуада акс эттирилган аллоमार, буюк саркарда ва жаҳонгирлар, жаҳид боболаримизнинг сиймоларига алоҳида эътибор қаратди.

Шундан сўнг Қўрсарой қароргоҳида Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровни тантанали кутиб олиш маросими бўлди.

Қароргоҳ олдидagi майдонда давлат байроқлари кўтарилиб ва фахрий қоровул саф тортиди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали мەхмонни самимий кутиб

олди ва шохсуга тақдир этди. Ҳарбий оркестр икки давлат махфияларини ижро этди.

Етакчилар фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қутладилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда икки мамлакат ҳамкорлигининг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари олий мартабали мەхмонни самимий қўтлар экан, кейинги йилларда биргаликдаги савб-ҳаракатлар туяфайли узок муддатли истиқболга мўлжалланган кўп қиррали ҳамкорликни тубдан кенгайтириш учун яхши замин яратилганини алоҳида таъкидлади.

Парламентлар, ҳукуматлар, ташқи сиёсат ва тармоқ идоралари даражасидаги мулоқотлар натижаларини ошириш, халқаро ва минтақавий майдонлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон савдо ташкилоти, минтақа давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари, "Марказий Осиё плюс" форматлари доирасида узаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Ҳамкорликнинг янги иқтисодий кун тартибиди шакллантириш муҳимлиги қайд этилди.

Транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантириш бўйича янги лойиҳа тақдирлари кўриб чиқилди.

Президентлар ҳудудларо ҳамкорликни, жумладан, Чегараолди вилоятлар ҳокимлари кенгаши доирасида янада кенгайтириш муҳимлигини таъкидладилар.

Шунингдек, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, экология, хавфсизлик ва бошқа соҳаларда узаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари атрофича муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари минтақавий кун тартибидаги томонларни қизқирган масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров музокараларни икки мамлакат

расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар.

Мазкур саммитга тайёргарлик доирасида Ҳукуматларо комиссия йиғилиши, бизнес форуми, Ректорлар форуми, Авлодлар мулоқоти ва қатор маданий тадбирлар муваффақиятли ўтказилгани таъкидланди.

Савдо, саноат кооперацияси, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, хавфсизлик, маданият ва бошқа муҳим йўналишлардаги ҳамкорлик натижалари танқидий таҳлил қилинди.

Музокаралар домида томонлар парламентлар, ҳукуматлар, вазирликлар, идоралар ва ҳудудлар, ишбилармонлар, экспертлар ва жамоатчилик даражасида фаол алоқаларни давом эттиришга келишиб олдилар. Давлатлараро кенгаши тузишга қарор қилинди.

Халқаро ва минтақавий тузилмалар, жумладан, БМТ, ШХТ, Туркий давлатлар ташкилоти, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви ва бошқа кўп томонлама майдонлар доирасида яқин ҳамкорликни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, энг аввало, импорт ўрнини босиш дастурлари ва кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Шу мақсадда ташриф домида узаро савдо ҳажмини оширишга қаратилган дастур қабул қилинмоқда. Бундан ташқари, яқин йилларда 2 миллиард доллар кўрсаткичига чиқиш учун пойтахтларда савдо уйлари ташкил этилади, экспорт-импорт шартномалари тўплами шакллантирилади, экспортдоли молиялаштириш воситалари жорий этилади, қишлоқ ҳўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларини тезкор ташши бўйича "яшил йўл" ишга туширилади.

Саноат кооперацияси доирасидаги жорий лойиҳалар портфели 300 миллион долларга етгани таъкидланди. Қуни кеча бўлиб ўтган бизнес форуми доирасида энергетика, логистика, электротехника, тўқимачилик, агросаноат ва бошқа тармоқларда савдо шартномалари ва инвестиция битимларининг янги тўплами қабул қилинди.

► 2-бет

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Алоқалар янги босқичда



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида Хитойнинг Ўзбекистондаги тadbиркорлари уюшмаси раиси Лиу Ю раҳбарлигидаги Тианжин провинциясининг етакчи қурилиш ва лойиҳа ташкилотлари вакиллари иштирокида учрашув ўтказилди. Музокаралар домида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви ва мулоқотлари асосида турли соҳаларда ривожланиб бораётганлиги қайд этилди.

Жумладан, қурилиш соҳасида ҳам ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилиб, Хитой компаниялари томонидан "Янги Тошкент", Олимпия шаҳарчаси ва Жиззахда қуввати 1000 мегаваттга бўлган шамол электр станцияларининг қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Тадбирда ана шундай истиқболли лойиҳалар ҳақида сўз борди. Шунингдек, соҳадаги устувор йўналишларда манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш бора-бора фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Учрашувда, шунингдек, вазирлик ҳузурдаги Техник меъёролаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти раҳбарияти ҳамда хитойлик соҳа вакиллари иштирокида бир қатор

йўналишларда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб бўйича муҳокамалар ўтказилди. Хусусан, зилзила-бардош бини-иншоотлар, кўприк ва туннеллар бўйича шаҳарсозлик нормаларини такомиллаштириш, қурилишда нархларни шакллантириш соҳасида ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Шу билан бирга, Хитой компаниялари сўровларидан келиб чиқиб, энергиятежамкор ва экологик тоза маҳсулотлар учун мамлакатнинг миллий стандартларини республика ҳудудида жорий этиш, соҳадаги долзарб масалалар бўйича қўшма тадқиқотлар олиб бориш, сунъий интеллект ва ақли шаҳарлар юзасидан келгусида ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Мурожаатлар ҳал этилмоқда



Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармасида соҳа мутахассислари иштирокида фуқаролар мурожаатлари бўйича қабул бўлиб ўтди.

Хусусан, унда Юнусобод ва Шайхонтоҳур туманларидан келган 10 га яқин фуқаро ноқонуний қурилишлар ҳамда турар жой биносини ихтисослаштириш каби масалалар бўйича мурожаат қилишди. Қабул жараёнида аҳолининг соҳага доир 40 дан зиёд муаммоси тингланиб, мутахассислар томонидан ижобий ҳал этилди. Шунингдек, фуқароларга ҳуқуқий тушунчалар берилди.

"Ақлли шаҳар" лойиҳаси муҳокама қилинди

Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев АҚШнинг "S+N Associates, Inc." компанияси директори Роналд Джеймс Хаббард бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Қарийб 40 йилдан зиёд вақт мобайнида дунёнинг нуфузли давлатларида янги аэропорт, меҳмонхоналар, олий таълим муассасалари, сотув ва хизмат кўрсатиш объектлари, шунингдек, замонавий шаҳарлар қуриш ишлари билан шуғулланиб келаётган мазкур йирик компания томонидан Тошкент вилоятида ҳам янги лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Хусусан, меҳмонлар Нурафшонда 1 минг 600 гектар ер майдонида "Ақлли шаҳар" асосида шаҳар барпо этиш бўйича тақдимот ўтказди. Унга кўра, қиймати 10-15 миллиард долларлик мазкур лойиҳага қўшимча 15 дан ортқ йирик инвесторлар жалб қилиниши, дастлаб, маҳаллий маҳсулотлардан арзон ва сифатли қурилиш материаллари ишлаб чиқариладиган завод ташкил этиш тақдирлари муҳокама этилди.



Шунингдек, "Ақлли шаҳар" таркибида давлат корхонаси ва ташкилотлари, тиббиёт, таълим муассасалари бўлиши билан бирга, саноат зо-

налари, технопарклар жойлаштирилиши орқали ҳудуднинг ўзида яна қўллаб иш ўринларини яратиш имкониятлари кўриб чиқилди. Бундан ташқари, вилоят марказини пойтахт билан боғловчи тезкорар поезд қатновини йўлга қўйиш ҳам режалаштирилган, деб хабар қилади УЗА муҳбири А. Мусоев. Учрашув сўнггида муҳокама қилинган ҳамда ҳамкорлик қилиш бўйича келишиб олинган барча масалалар юзасидан томонлар ўртасида меморандум имзолашга келишилди.

► 2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ УЧ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бундан ўттиз уч йил олдин ўта оғир ва мураккаб тарихий вазиятда қўлга киритилган миллий истиқлолимиз бу-гунги кунда кўп миллатли бутун халқимизни Янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсад йўлида бирлаштириб, янги ютуқ ва марралар сари илҳомлан-тирмоқда.

Айнан мустақиллик туяфайли мамлакатимиз суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатга, халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъектига айланди. Дунё бизни янгитдан таниди ва тан олди. Ер юзидagi турли давлатлар ва халқлар билан дўстлик ҳамда ҳамкорлик алоқаларимиз тобора кенгайиб, юртимизнинг халқаро майдондаги маъқеи ва нуфузини ортиб бормоқда.

Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ислохотлар жараёнида мустақил давлат бўлиб, дунёга очилиб яшаш, эркин ва озод халқлар оиласида муносиб ўрин эгаллаб, замонавий тараққиётга эришиш нақадар улуг бахт ва шараф, шу билан бирга, улкан масъулият эканини янада чуқур ҳис этмоқдамиз.

Халқимизнинг миллий манфаатларини таъминлашга қаратилган ички ва ташқи сиёсат борасидаги туб ўзгаришлар, эришилаётган амалий натижалар халқроқ ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда.

Барчамиз инсон қадри олий мезон бўлган янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида қўлга киритган зафарларимизни мустақил тараққиёт ғоясига ҳамisha содиқ, мард ва матонатли халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақл-заковати ва бунёдкорлик салоҳияти маҳсули деб биламиз ва ана шундай олижаноб элнинг фарзданини эканимиздан чексиз фахрланамиз.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик шонли санасини чинакам умумхалқ байрами, озодлик ва саодат айёни сифатида кўтаринки қайфиятда кутиб олиш ҳамда мамлакатимизнинг бугунги тараққиёт даражаси, юксалиш суръатларига муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг (кейинги ўринларда - Республика комиссияси) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси (А. Арипов):

бир ҳафта муддатда "Бир бўлсак - ягона халқимиз, бирлашсак - Ватанмиз!" деган бош ғояни ўзида муҳасам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини тасдиқласин. Мазкур дастур "Ўзбекистон - 2030" стратегияси, шунингдек, "Ешлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" бўйича қабул қилинган давлат дастури билан уйғун ҳолда тайёрлансин;

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллик байрами (кейинги ўринларда - Мустақиллик байрами) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ҳамда туманлар, қишлоқ, ва овулларда муносиб нишонланишини таъминласин;

ҳудудларда кенг аҳоли қатламлари ўртасида Мустақиллик байрамига бағишланган маънавий-маърифий анжуманлар, уч авлод учрашувларини, очик мулоқот ва сўхбатлар, адабий-бадиий кечалар, миллий кино кунлари, сайиллар, маданият ва спорт тадбир-

лари, гастрономик фестивалларни самарали ўтказиш мақсадида **атоқли илм-фан намоёндалари, маданият ва санъат арбоблари, таниқли спортчилар, кенг жамоатчилик вакиллари**дан **ибарат тарғибот гуруҳларини ташкил этсин** ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият юритишини таъминласин;

Мустақиллик байрамига бағишланган барча тадбирларнинг юқори савияда ташкил этилиши юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини ўз йиғилишларида мунтазам равишда эшитиб борсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган асосий байрам тадбирларининг дастурларини тайёрлашга юқори профессионал маҳорат ҳамда тажрибага эга бўлган сценарийчи ва режиссёрлар, шoir ва адиблар, бастакор ҳамда балетмейстерлар, сахна rassомлари, мақом ва бахшичилик санъати вакиллари, истеъдодли ёш ижрочилардан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

4. Жойларда Мустақиллик байрамини юқори савияда нишонлаш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

юртимизда инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари етакчи ўринда турадиган ижтимоий давлат ва халқларвар жамият қуриш йўлида амалга оширилаётган тарихий ишлар, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан эришилаётган улкан натижаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида маҳаллалар, таълим муассасалари, меҳнат жамоаларида маърифий учрашув ва сўхбатлар ўтказиш;

кейинги йилларда мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, тadbиркорлар учун имкониётларни ҳар томонлама кенгайтириш, "яшил" ва рақамли иқтисодиётга ўтиш бўйича ҳаётга таътиқ этилаётган йирик

дастур ва лойиҳалар ҳамда бу борада қўлга киритилаётган ютуқларни аниқ ҳаётий ишсоллар орқали кенг ёритиш;

суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш, шаҳар ва қишлоқларимизни обод қилиш, маҳалла тизимини халқимизга янада яқинлаштириш йўлидаги доимий савб-ҳаракатлар ва уларнинг самараси ҳақидаги тарғибот ишларини янада кучайтириш;

юртимизда дўстлик ва ҳамжихатлик муҳити тобора мустаҳкамланиб, минтақамиздаги яхши қўшничилик, тинчликсевар ташқи сиёсат туяфайли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори юксалаётгани, дўст ва ҳамкорларимиз сафи кенгайиб бораётганини чуқур таҳлиллар асосида кўрсатиб бериш;

навиқрон авлодга Янги Ўзбекистоннинг келажаги сифатида алоҳида эътибор қаратилганлиги, ёшлар билан ишлаш бўйича ноёб тизим яратилиши натижасида уларни замонавий касб-хунарларга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, буш вақтини мазмунли ўтказиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича юртимизда шакланган самарали ва тасирчан тизим моҳиятини очиб бериш;

соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, нурунийлар ва хотин-қизларга доимий ғамхўрлик кўрсатиш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, гендер тенглик бўйича амалга оширилаётган ижтимоий дастурлар мазмунига алоҳида эътибор қаратиш;

давлатимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли қафолати бўлган Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ҳарбий ва жанговар қудратини ошириш мақсадида амалга оширилаётган ишларни кенг тарғибот этиш;

► 2-бет

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

1 бет
Бундай лойиҳаларни илгари суриш учун Ўзбекистон – Қирғизистон ҳамкорлигининг устав капитали 200 миллион долларгача оширилади.

Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик стратегия йўналиши этиб белгиланди. Қамбарота ГЭС-1 қурилишига доир битимни тез фурсатда имзолаш ва лойиҳанинг амалий босқичини бошлаш муҳимлиги қайд этилди. Шунингдек, икки мамлакат салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда кичик гидроэнергетикани ривожлантириш бўйича комплекс ҳамкорлик дастури тайёрланди.

Минтақада транспорт боғлиқлигини мустақамлаш бўйича биргаликдаги савий-ҳаракатларни фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

“Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўлини қуриш бўйича стратегик лойиҳа тўғрисидаги уч томонлама битим имзолангани бу борада тарихий воқеа бўлди.

Учрашувда истиқболли транспорт лойиҳалари ҳам қўриб чиқилди.

Икки мамлакат ҳудудлари савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг ҳақиқий драйверлари экани таъкидланди. Шу маънода, Бош вазирлар раислигидаги Чегараловчи вилоятлар ҳокимлари кенгаши доирасида фаол алоқалар давом эттирилади.

Ҳудудлар делегацияларининг ўзаро ташиқларни жадвалини тайёрлаш ва қўшма кўйл хариталарини янгилашга келишиб олинди.

Қишлоқ хўжалиги ўзаро ҳамкорлигининг муҳим йўналишидир. Қишлоқ хўжалиги экинларини биргаликда етиштириш, интенсив боғлар ва агрокластерлар ташкил этишни назарда tutувчи агрокооперация дастури амалга оширилиши қайд этилди.

Маданият, ёшлар, туризм, таълим, фан ва спорт соҳаларида фаол алоқалар давом эттирилади.

Келгуси йилларга мўлжалланган маданий тадбирлар тақвими тайёрлашга келишиб олинди.

Ийгилишда Бош вазирлар ўринбосарларининг ҳисоботлари ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик қозидан аниқ тақдирлари тингланди. Музокаралар якунида давлат раҳбарлари қўшма “йўл харитаси”ни тайёрлаш ва эришилган келишувларни самарали амалга ошириш механизмларини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Икки томонлама музокаралар якунланган, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров йирик кооперация лойиҳаларини ишга тушириш маросимида иштирок этидилар.

Жумладан, Фарғона ва Наманган вилоятларида умумий қуввати 400 мегаватт бўлган иккита қуёш электр станцияси қурилишига старт берилди. Ушбу станцияларда ишлаб чиқариладиган электр энергияси Қирғизистонга етказиб берилиши кўзда тутилган.

Чўй вилоятида замонавий енгил автомобиллар ва тижорат техникалари ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди. Хусусан, у ерда “Кобальт”, “Ониск” ва “Трекер” русумли енгил ҳамда юз автомобиллари йиғилади.

Шунингдек, Қора-Балта шаҳрида тикув-трикотаж маҳсулотлари ва мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхонага замонавий технология ускуналар етказиб берилиб, уратилди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари ушбу лойиҳалар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси

Президенти Садир Жапаров ўртасида бўлиб ўтган самарали музокаралар якунида қатор икки томонлама ҳужжатлар қабул қилинди.

Давлат раҳбарлари кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисида Қўшма баёнотни имзоладилар.

Ташриф давомида 16 та ҳужжат имзоланди, жумладан:

– Қирғиз Республикасининг Иссиқкўл вилояти ҳудудида жойлашган курорт-ҳордиқ хўжалиги объектлари бўйича ҳукуматлараро битим;

– Фуқароларнинг ўзаро келиб-қетишлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгаришлар киритиш тўғрисида баённома;

– Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши бўйича икки томонлама музокараларни якунлаш тўғрисида баённома;

– Қурилиш фаолияти соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

– Мехнат, аҳоли бандлиги ва миграция соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

– Маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

– Давлат хизмати соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

– 2024-2030 йилларда ўзаро савдо ҳажминини ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси;

– 2024-2026 йилларда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси;

– 2024-2026 йилларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”;

– 2024-2026 йилларда Тошкент ва Бишкек шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Қирғиз Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ташаббуслар миллий институти ўртасидаги меморандум ва бошқалар.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Ўзбекистон раҳбари Қирғизистон Президентининг давлат ташрифи тарихий воқеа бўлгани ва мамлакатларимиз кўп қиррали ҳамкорлигида янги даврни бошлаб берганини таъкидлади.

Бу галги саммитга биргаликда жиддий тайёргарлик ишлари олиб борилгани қайд этилди. Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши, бизнес форуми, Ректорлар форуми, Авлодлар мулоқоти самарали ўтди. Шу кунларда мамлакатимиз ҳудудларида Қирғизистон маданияти кунлари ўтказилмоқда.

Ҳар доимгидек очик, конструктив ва дўстона руҳда ўтган бугунги музокаралар якунлари катта мамнуният билан қайд этилди.

Келгусида ўзаро ҳамкорлиқни янада юқори босқичга кўтариш учун асос бўлиб хизмат қиладиган Кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма баёнот ташрифининг асосий сиёсий ҳужжати бўлди.

Президентлар раислигидаги Давлатлараро кенгаши тузиш бўйича келишувга эришилди.

Етакчилар сонаот кооперациясида, энг аввало, икки мамлакат иқтисодийнинг бир-бирини тўлдирадиган тармоқларида янги ўсиш нуқталарини яратиш масалаларига алоҳида тўхталдилар. Булар энергетика, автомобильсозлик, транспорт ва логистика,

электротехника, тўқимачилик, агросаноат ва бошқа тармоқлардаги лойиҳалардир.

Ҳудудлар ўртасидаги тизимли мулоқотни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди. Чегараловчи вилоятлар ҳокимлари кенгаши ишчи фаоллаштиришга келишиб олинди. Ўзаро ташиқлар жадвали тайёрланиб, ҳамкорлик бўйича “йўл хариталари” янгиланди. Лойиҳалар портфелини йил якунига қадар 1 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Давлат раҳбарлари қишлоқ хўжалиги соҳасида янги имкониятларни белгилаб бердилар. Қишлоқ хўжалиги экинларини биргаликда етиштириш, фьючерс битимларидан фойдаланган ҳолда интенсив боғлар ва агрокластерлар ташкил этиш шулار жумласидан.

– “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўлини қуриш стратегик лойиҳаси бўйича уч томонлама битим имзолангани тарихий воқеа бўлди, – деди мамлакатимиз етакчиси.

Транспорт йўлакларини ривожлантириш соҳасидаги янги лойиҳаларни ўрганиш учун экспертлар гуруҳини ташкил этишга келишиб олинди.

Кичик гидроэнергетика соҳасида алоҳида ҳамкорлик дастури тайёрланиши қайд этилди.

– Қамбарота ГЭСи қурилиши тўғрисида уч томонлама битим қабул қилиниши тезлаштириш чораларини кўрамини. Ушбу мегалойиҳа, шубҳасиз, бутун минтақамизнинг барқарор тараққиётига хизмат қилади, – деди Ўзбекистон Президенти.

Маданият, ёшлар, таълим, фан ва спорт соҳаларида фаол мулоқот ва алоқалар давом эттирилади.

Давлатимиз раҳбари сайёҳлик алмашинуви ривожлантириш имкониятларини алоҳида қайд этди. Айни пайтда Тошкентдан Бишкек ва Томчиға тўғридан-тўғри авиакатновлар йўлга қўйилган.

Ташриф давомида Ўзбекистоннинг Иссиқкўлдаги санаторий-курорт мажмуалари тўғрисида битим имзоланди. Июль ойи бошида Ўзбекистон томони учта объектни ишга туширди, улар меҳмонлари қабул қилмоқда. Туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимиз етакчиси сўзининг якунида музокаралар натижаларидан мамнунигини изҳор этди ҳамда Қирғизистон Президентининг Ўзбекистонга тарихий ташрифи самаралари ҳамкорлиқни аниқ мазмун билан бойитишга, ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустақамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Президенти Садир Жапаров рафикалари билан бирга Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунлари бошланishiға бағишланган концертда иштирок этидилар.

Икки мамлакат санъат усталарининг ушбу концертида чучук тарихий идиалар билан боғланган, дини бир, қадрият ва аънаналари муштарак ўзбек ва қирғиз халқларининг кўп асрлик дўстлиги ифодаси бўлди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчиларининг иродаси ва савий-ҳаракатлари туфайли қардош халқлар янада яқинлаши, давлатлараро муносабатлар эса кенг қамровли стратегик шериклик даражасига кўтарилиди.

Истеъодли санъаткорлар икки этган куй-қўшиқларда халқларимиз маданиятининг бойлиги, ўзига хослиги ва шу билан бирга муштараклиги ўз ифодасини топди.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АБВАЛБЎЕВ,
ЎЗА МУХБИРЛАРИ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ УЧ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

1 бет

Мустақиллик байрами муносабати билан кекса авлод вакиллари, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, “Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Муруват” уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий ҳимоя дафтарларига киритилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирларини ўтказиш;

Ватанимизнинг миллий истиқлоли, халқимиз озодлиги учун курашиб, шу йўлда жон фидо этган, мустабид тузум даврида сиёсий қатагон қурбони бўлган ота-боболаримизнинг хотирасини ёд этиш бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш.

5. Маданият вазири (О. Назарбеков);

Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда **бир ҳафта мuddатда** Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийини ишлаб чиқсин ҳамда уни юксак гоғвий-бадий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин;

Бадий академия, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар уюшмаси билан биргаликда **“Уна днёр – ранглар жиловиди”, “Ватан учун яшайлик!”**, **“Энг улуг, энг азиз”** каби аънавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин;

Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда юртимиз истиқлолини таранум этувчи **энг яхши қўшиқ ва мусика асарлари** танловларининг якуний босқичини ўтказсин;

мазкур танловларнинг гоғиб ва совриндорларини Мустақиллик байрами арафасида эълон қилиш ва уларни тантанали равишда тақдирлаш чораларини кўрсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳоғийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида – Республика комиссияси томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблаглари ҳисобидан тенг улшуларда молиялаштирилади.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг еритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О. Қ. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**
Тошкент шаҳри,
2024 йил 18 июль

Ш. МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талабларни қисқартириш ҳамда лицензиялаш ва руксат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 9 январдаги ПФ-8-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, шаҳарсозлик фаолиятида бюрократик тўсиқларни қамайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларига қўшимча қудайлик ва енгилликлар яратиш мақсатида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига қўйиладиган назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

– лицензиялаштириш ва қурилишнинг айрим фаолият турларини лицензиялаш бўйича **аризаларни кўриб чиқиш мuddатларини қисқартириш;**

– **хавфи юқори бўлган объектларни ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда улардан фойдаланиш фаолиятини лицензиялаш тартибиди** Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши ва-

зирилиги, Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси, Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси томонидан **хулоса бериш асослари ҳамда мезонларини белгилаш;**

– асосий иш жойида фаолият юритиши лозим бўлган мутахассисларнинг **соҳа бўйича олий маълумотга эга бўлиши талабларини белгилаш;**

– IV тоифадаги объектларнинг архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятига лицензия олишининг талаб ва шартларида **иш стажлари ҳамда мутахассислар сонини қисқартиришни белгилаш;**

– лицензия талаб ва шартлари қўпол равишда бузилиши оқибатида лицензияси бекор қилинган юридик шахсларнинг **бир йил мuddатда қайта лицензия олишини тақиқлаш;**

– бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш кичик фаолият тури билан шуғулланишда талаб этиладиган **нахус улчов воситалари ва асбоб-ускуналарига аниқлик киритиш;**

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири А. АРИПОВ**
Тошкент ш.,
2024 йил 16 июль
424-сон

ҚУВАСОЙДА ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНАЛАР ИШГА ТУШДИ

Қувасой Фарғона вилоятининг саноат марказларидан бири ҳисобланиб, кейинги йилларда иқтисодий салоҳиятни рўёбга чиқариш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Жорий йилда электромобилни зарядлаш станцияларини ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилади, шунингдек, 65 миллион долларлик керамо-гранит лойиҳаси бўйича ҳам амалий ишларга киришилмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 10 июлдаги “Қўқон” эркин иқтисодий зонасининг ҳудудини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори асосида шаҳардаги Пакана, Кокилон ва Сўфон маҳаллалари ҳисобидан Қўқон иқтисодий зонаси ҳудуди 210 гектарга кенгайтирилади. Бу ерда 200 миллион долларлик, келгуси йилда 500 миллион долларлик лойиҳа ишлаб чиқилиб, қамда 10 минг иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Шаҳарда қўшма корхоналар сони иккитга кўпайди. “Blue carbon” масъулияти чекланган қўшма корхонаси томонидан қуёш панеллари, ёритиш ускуналари ҳамда уларни қуватловчи батареяларни ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди.



Мазкур корхона “Бунёдкор” ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ҳудудида 10 миллион доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция ҳисобига барпо этилди.

– Бу ерда йилига 200 мегаватт қуёш панеллари, 150 минг дона 30-40 турдаги 30-120 ваттгача бўлган қуёш панелли кўча чироқлари ишлаб чиқарилади, – деди корхона раҳбари Бобур Султоналиев. Ҳамда “Shandong Blue Carbon Technology” компаниясидан келтирилган замонавий технологиялар ўр-



натилган. Лойиҳа ишга туширилиши натижасида йилига 10 миллион долларлик маҳсулотлар Европа, Африка, МДҲ давлатларига экспорт қилиниши режалаштирилмоқда.

“Garden Catering” масъулияти чекланган қўшма корхонаси томонидан эса замонавий кейтеринг лойиҳаси амалга оширилди. Туркиялик ҳамкорлар билан ташкил этилган ушбу корхонага 5 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция йўналтирилган бўлиб, 100 та доимий иш ўрни яратилди.

Корхона тавсисчиси Адем Йилдирининг айтишича, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган соғлом овқатланиш талаблари асосида корхонада тайёрланган 100 турдан зиёд таомлар, салатлар ҳамда десертлар етказиб берилувчиларнинг ёши, жинси ва касбий фаолиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланган рационда тайёрланади. Корхонага туркиялик юқори малакали шеф-ошпазлар жалб этилган. Ташкил этилган ўқув марказида эса бир вақтинчи ўзда 80 нафар ёшларга замонавий кўлинария соҳасида касбий таълим бериш йўлга қўйилган.

“Garden Catering” корхонасида тайёрланган таомларни мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, хусусий корхона ва ташкилотларга етказиб бериш режалаштирилган.

Қўшма корхоналарнинг фойдаланишга топшириш маросимида Фарғона вилояти ҳоқими Х. Бозоров иштирок этди.

О'ЗБЕКISTONDA QURILISH NAZORATI: tartib-qoidalari, maqsad va vazifalari

Ahmatjon ABDURAHMONOV, Andijon iqtisodiyot va qurilish instituti katta o'qituvchisi.

Qurilishni nazorat qilish zarurati har qanday turdagi obyektlar uchun shart va majburiydir. Uning yordamida mijoz barcha ishlarining to'g'ri va belgilangan muddatda bajarilishiga, qurilish materiallarining sifati standartlarga mos kelishiga va xarajatlar haqiqiy smetaga mosligiga ishonch hosil qiladi. Avvalo, qurilish nazoratining maqsad va vazifalariga to'xtalsak.

Qurilish nazorati bino va inshootlarning norma va qoidalarga muvofiqligini majburiy baholash shakllaridan biridir. Uning vazifasi kapital qurilish loyihalarining xavfsizligiga ta'sir qiluvchi ishlarining bajarilishini, muhandislik ta'minoti tarmoqlarining tuzilmalari va uchashtalarining holatini nazorat qilishdan iborat. Qurilish nazorati kapital qurilish obyektlarini qurish, rekonstruksiya qilish va kapital ta'mirlash vaqtida amalga oshiriladi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 14-noyabrdagi PF-5577-sonli Farmoni, Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 20-avgustdagi 496-sonli qarori va O'zbekiston Respublikasi Shaharsozlik kodeksining tegishli moddalarida har qanday obyektning qurilish ishlarining sifati nazorat qilish majburiyati belgilab qo'yilgan. Qurilish nazorati bu bir nechta tekshiruvlar majmuasidan tashkil topgan bo'lib, uning maqsadi - amalga oshirilayotgan ishlarining me'yoriy hujjatlar: loyiha, texnik reqlamentlar, xavfsizlik qoidalari (shu jumladan ekologik) talablarga muvofiqligini tasdiqlashdir. Shuningdek, qurilishni smeta hujjatlarida belgilangan qurilish muddatlari va xarajatlarga rioya qilgan holda amalga oshirilishini ta'minlaydi.

Qurilish nazorati bilan bir qatorda "texnik nazorat" degan tushuncha ham mavjud. Biroq ular orasida ba'zi farqlarni kuzatish mumkin. Texnik nazorat odatda faqat mijoz tomonidan amalga oshiriladigan tekshiruvni anglatadi. Shuning uchun bu torroq ta'rif. Bundan tashqari, "mualliflik nazorati" atamasini ham xarakterlash mumkin. Bu ishning loyiha hujjatlariga muvofiqligini baholashning bir turidir. Mualliflik nazorati odatda loyihani ishlab chiquvchi tomonidan amalga oshiriladi va bu atama qurilish nazorati konsepsiyasiga kiritilgan.

Qurilish obyektlarining sifati deganda, odatda, barpo etilayotgan binolar yoki inshootlarning mo'ljallangan maqsadlaridan kelib chiqqan holda aniqlangan xususiyatlari ro'yxati tushuniladi. Bundan tashqari, qurilish sifati QMQ-2.01.03.19, QMQ-2.01.03.2019, GOST-P ISO 12491-2011, GOST-P 1.5 - 2004 lar va ISO 12491:1997, ISO /TK 98 kabi me'yoriy-huquqiy manbalar qoidalariга asoslanib baholanadi. Shuningdek, SHNQ 1.01.01-09 hamda tegishli holda xorijiy standartlar ham hisobga olinishi mumkin.

ASOSIY VAZIFALAR

Qurilish ishlarining tegishli sifati ta'minlash.

Afsuski, ijrochining malakasi va halolligini har doim ham oldindan baholab bo'lmaydi. Ko'pincha pudratchi texnologiyani buzgan

va loyiha tomonidan o'rnatilgan muhandislik yechimlarini soddalashtiradigan holatlar kuzatiladi. Buning oqibatida tayyor obyektning ishlatish jarayonida muqarrar ravishda muammolar paydo bo'ladi.

Loyihada nazarda tutilgan qurilish materiallari va inshootlaridan foydalanish koflati.

Vijdotsiz pudratchi ba'zi holda materiallarni arzonroq, sifati pastog'iga almashtirishi mumkin. Oqibatda binoning ekspluatatsion xususiyatlari kamayadi, ekologik me'yorlar buziladi, aldangan ishlab chiqaruvchi pulini yo'qotadi.

Byudjet nazorati, pudratchining noto'g'ri tuzilgan smetasi tufayli asossiz xarajatlarning yo'qligi.

Qurilish amaliyotida materiallar narxini ataylab oshirib yuborish va ish hajmini orttirish orqali mijozlarni aldash holatlari qanchalik tez-tez uchraydi turishini hisobga olsak, bu nuqta ayniqsa, muhimdir. Shuni ta'kidlash kerakki, qoidabuzarliklar har doim ham pudratchining fribirgarligi natijasida emas, xatoning sabablari smeta tuzuvchining malakasizligi yoki ehtiyotsizligida ham bo'lishi mumkin.

Shunday qilib, qurilish va texnik nazorat - loyihani o'z vaqtida amalga oshirishni ta'minlaydi. Qurilish nazorati tufayli binoni foydalanishga topshirish muddatlarini buzish natijasida yuzaga keladigan xarajatlarni oldini olish mumkin. Qurilish ishlarining xavfsizligini va obyektning keyingi ekspluatatsiyasini tasdiqlashni ta'minlaydi. Qonunga muvofiqligini tasdiqlaydi. Boshqacha qilib aytadigan bo'lsak, qurilish nazorati xizmatlarining mijozni kelajakda tekshiruv tashkilotlari bilan bog'liq muammolar bo'lmashiga ishonch hosil qilishi mumkin.

QO'YILADIGAN TALABLAR

Qurilish nazoratini amalga oshirish tartibi qonun bilan belgilab qo'yilganligi sababli, texnik nazoratni amalga oshiruvchi mutaxassislar va kompaniyalarga ham qat'iy talablar qo'yiladi. Shaharsozlik kodeksiga muvofiq, qurilish ishlarini nazorat qilish pudratchi yoki buyurtmachi tomonidan amalga oshirilishi kerak. Birinchisining rolini odatda pudratchi o'ynaydi, ikkinchisini ishlab chiquvchi (egasi) yoki vakolat bergan tashkilot o'ynaydi. Professional terminologiyada yuridik shaxs texnik mijoz deb ataladi. O'z navbatida, texnik buyurtmachi qurilish nazorati faoliyatini unchinchisi tomon mutaxassislariga topshirishi mumkin.

Qurilishni nazorat qilish xizmatlarini ko'rsatadigan kompaniya uchun asosiy talab



ushbu turdagi faoliyatni amalga oshirish uchun ruxsatnomaga ega bo'lishidir. Ruxsatnoma o'z-o'zini tartibga soluvchi tashkilot tomonidan beriladi. Qurilish nazorati obyektlarning xavfsiz ishlashi bilan bevosita bog'liq bo'lganligi sababli, har bir kompaniya ushbu turdagi faoliyat uchun SRO roziligini ololmaydi. Ruxsatnoma olishdan manfaatdor bo'lgan yuridik shaxslarga qat'iy talablar qo'yiladi.

Bunday kompaniya xodimlari tarkibiga loyiha muhandislari, elektr, sanitariya-tesiat, shamollatish tizimlari bo'yicha mutaxassislar, smetachilar, arxitektorlar, geodezist va boshqalar kirishi kerak. Tashkilot xodimlarining soni kamida yetti nafar bo'lishi, agar yuridik shaxs haqida gapiradigan bo'lsak - besh nafar mutaxassis va ikkita menejer yetarli. Agar yakka tartibdagi tadbirkor SRO sertifikatiga murojaat qilsa, tashkilot xodimlari kamida besh nafar xodimni o'z ichiga olishi talab qilinadi. Korxonalar rahbarlari oliy kasbiy ma'lumotga va qurilish sohasida kamida yetti yillik ish tajribasiga ega bo'lishi kerak.

AMALGA OSHIRISH TARTIBI

Texnik nazorat jarayoni loyihani amalga oshirish tartibiga muvofiq bir necha bosqichlardan iborat bo'ladi. Siz istalgan vaqtda qurilish nazorati bo'yicha xizmatlar ko'rsatadigan kompaniya bilan bog'lanishingiz mumkin. Ammo mijoz tekshirishni qanchalik tez boshlasa, shunchalik kam xarajatlar kelib chiqadi. Qurilishning dastlabki bosqichlarida pudratchilar tomonidan sodir etilgan va o'z vaqtida aniqlanmagan qoidabuzarliklar ko'pincha jiddiy moliyaviy zararga olib keladi. Shundan kelib chiqqan holda, qurilish-montaj ishlarini nazorat qilishni rejalashtirish bosqichida boshlash va obyekt foydalanishga topshirilgandan so'ng tekshirish tadbirlarini yakunlash tavsiya etiladi.

Mijoz qurilish nazorati xizmatlarini ko'rsatuvchi kompaniya bilan bog'langanda, kelgusi hamkorlikning barcha nuanslarini o'rganib chiqqandan so'ng, tomonlar o'rtasida shartnoma tuziladi. Bu buyurtmachi va

nazoratni amalga oshiruvchi tashkilotning muvofiq va majburiyatlarini ko'rsatadi hamda ishni bajarish muddatlarini belgilaydi. Nazorat harakatlari ekspert guruhi yoki bitta muhandis tomonidan amalga oshiriladi - bu qurilish ko'lamiga bog'liq, SRO roziligini olish uchun kompaniya keng qamrovi hujjatlar to'plamini taqdim etadi. Shu jumladan, kompaniyada bajarilgan ishlarining sifati tekshirish tizimi mavjudligini tasdiqlashi ham kerak bo'ladi.

Shartnoma shartlariga ko'ra, nazorat qiluvchi mutaxassis (yoki guruh) qoida tariqasida quyidagi majburiyatlarini o'z zimmasiga oladi:

- barcha kerakli hujjatlar mavjudligi va ularning standartlarga muvofiqligini tekshirish;

- pudratchi smetasining to'g'riligini, shu jumladan, narxlarning to'g'ri qo'llanilishini nazorat qilish;

- qurilish ishlarini jadvalga rioya etilishini nazorat qilish;

- foydalanilayotgan materiallar sifati nazorat qilish, ularning loyiha muvofiqligini baholash, sertifikatlar va boshqa hujjatlar mavjudligini tekshirish;

- ishlarining loyiha qarorlari va amaldagi shaharsozlik qoidalarga muvofiq amalga oshirilishini ta'minlash;

- materiallarni saqlash qoidalarga rioya etilishini nazorat qilish;

- huquqbuzarliklarni tekzor aniqlash va bartaraf etishni ta'minlash;

- qurilishning alohida bosqichlarida tegishli aktlarni imzolagan holda bajarilgan ishlarini qabul qilishni amalga oshirish;

- loyiha belgilangan qurilish-montaj ishlarini hajmiga rioya etilishini ta'minlash;

- ijro hujjatlarining to'g'riligini nazorat qilish va hokazo.

Qurilishni nazorat qilish jarayonida mas'ul mutaxassis muntazam ravishda buyurtmachi tekshirish natijalarini yordamchi hujjatlarini taqdim etadi. Buning yordamida mijoz real vaqt rejimida, ularning to'g'ri bajarilishi haqida qayg'urmasdan, saytdagi ishlarining borishini kuzatish imkoniyatiga ega bo'ladi.

NAZORAT ISHLARI RO'YXATI

Qurilish-montaj ishlarini bir necha yo'nalishda nazorat qilinadi. Asosiy faoliyat turlarini sanab o'tamiz.

Loyiha hujjatlarini tekshirish.

Qurilish nazorati mutaxassislari quyidagilarni tekshiradilar: barcha kerakli hujjatlar mijoz tomonidan taqdim etilganmi, loyihada ko'rsatilgan binoning eksenel o'ichamlari geodezik moslama tarmoqlariga mos keladimi, loyiha hujjatlarini barcha davlat organlari tomonidan kelishilganmi, loyiha tegishli talabga tasdiqlanganmi, bosh rejada ko'rsatilgan qurilish maydonchasi chegaralari mavjud yer servitutlarini buzadimi, loyiha hujjatlarida sifati obyektning qurilish va ishlatish xavfsizligini belgilaydigan ishlar va materiallar ro'yxati mavjudmi? Agar buyurtmachi tomonidan taqdim etilgan hujjatlarida buzilishlar yoki kamchiliklar aniqlansa, nazorat mutaxassislari zarur tuzatishlar kiritish bo'yicha tavsiyalar beradi.

Yerga o'rnatilgan geodezik tarmoqni qabul qilish.

Mutaxassislar loyihada ko'rsatilgan koordinatlar relyefga qanchalik to'g'ri o'tkazilganligini, geodezik belgilar ishonchli qayd etilganligini nazorat qiladilar. Tekshiruv tugaganidan so'ng dalolatnoma tuziladi va imzolanaadi.

Qurilish materiallarini nazorat qilish.

Ushbu sohada tegishli tadbirlar quyidagilarni o'z ichiga oladi: yetkazib beriladigan qurilish materiallari, buyumlari, konstruksiyalarining GOSTlar, texnik shartlar va loyihada ko'rsatilgan texnik sertifikatlar talablariga muvofiqligini baholash, ushbu materiallar va mahsulotlar uchun hujjatlarining mavjudligi, to'liqligi va to'g'riligini nazorat qilish. Agar kerak bo'lsa, nazorat sinovlari o'tkazilishi mumkin. Biroq ular akkreditatsiyalangan laboratoriya tomonidan amalga oshirilishi kerak. Tekshiruv natijalari yozma ravishda rasmiylashtiriladi.

Agar tekshirish paytida sifatsiz materiallar aniqlansa, muammo uchta usuldan biri bilan hal qilinadi:

past sifati materiallar yuqori sifati materiallar bilan almashtiriladi. Bular - materiallar/mahsulotlar parametrlari talab qilinadiganlarga moslashtiriladi, aniqlangan nomuvofiqliklarga ega bo'lgan materiallar qo'llaniladi, lekin faqat buyurtmachi, dizaynerlar va davlat organlari bilan kelishilganidan keyin. Bu masala u yoki bu tarzda hal qilinmaguncha, ushbu materiallardan foydalangan holda qurilish ishlarini amalga oshirilmaydi.

Bajarish jarayonida ish sifati nazorat qilish.

Vakolatli tashkilot mutaxassislari qurilish ishlarining har bir bosqichini amaldagi texnik, loyiha va qonunchilik standartlariga muvofiqligini nazorat qiladi. Ishning sifati va uning natijalari baholanadi. Tekshiruv natijalariga ko'ra dalolatnoma tuziladi.

Keyingi operatsiyalardan so'ng natijalarni baholash mumkin bo'lmagan ish sifati nazorat qilish.

Qurilishdagi odatiy holat - tugallangan ishlar natijalari keyingi operatsiyalar bilan yashirish. Buzilishlarni o'z vaqtida aniqlamaslik tuzilmalarni demontaj qilishni talab qilishi yoki qurilayotgan obyektning xavfsizlik ko'rsatkichlariga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Shuning uchun nazorat qiluvchi tashkilot vakillari yashirin ishni majburiy ravishda qabul qilishlari va tekshirish dalolatnomasini tuzishlari kerak.

Shunday qilib, nurilish nazorati nafaqat qonun-qoidalarga rioya qilish, balki mijozning xotirjamligi va moliyaviy xavfsizligini ta'minlash imkonini ham beradi. O'z vaqtida aniqlangan qoidabuzarliklarni bartaraf etishdan ko'ra, amalga oshirilayotgan ishlarini va uning natijalarini muntazam tekshirish ancha foydali hamda samarali. Buyurtmachi har doim zarur vakolatlariga ega emasligi sababli, ular ko'pincha qurilish nazoratini amalga oshirish uchun uchinchi tomon - ekspert tashkilotlarining xizmatlariga murojaat qilishadi.

Qurilish - mas'uliyatli soha, demak bu sohada faoliyat yuritadigan har bir xodim kasbiy malakadan tashqari, vijdoni uyg'och, o'z ishiga puxta inson bo'lishi kerak. Ana shundaygina kelajak uylari har tomonlama mukammal, sifati va shinam tarzda barpo etiladi.

ТУФИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БУТСИН!

2024 йил июль ойининг 19-29 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик Мақсадида дастурлар ижросини мониторинг қилиш ва буортмачи хизматлари билан ишлаш бўлими бош мутахассиси **Зоҳид Халиқов**, Пудрат бозори қурилишда меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи **Баҳодир Каримов**, Ижро нazorati бўлими бош мутахассиси **Азиз Рустамов**, Архитектура ва шаҳарсоzликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи **Азизхон Усмонов**, Пудрат бозори қурилишда меҳнат муҳофазаси бўлими етакчи мутахассиси **Шерали Норматов**, Уй-жойлар қурилишини ривожлантириш бўлими бошлиғи **Баҳром Назаров**, ДХШ ва инвестиция дастурларини шакллантириш, реновация лойиҳаларини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Зухриддин Нажиддинов**, вазиr уринбосари **Таир Алинов**, компьютерларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник **Жаҳонгир Худойбердиев**, Хўжалик мудири **Акрам Бегинқулов**, Ички аудит бўлими етакчи мутахассиси **Ақбарали Қулмаатов**, ҳайдовчи **Исмоил Бадалов**, Ичимлик ва оқова сув тизимларини эксплуатация қилиш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғи уринбосари **Джаншидулжа Дуроджаев**, хизмат ҳоналари фарроши **Муборак Мираҳмедова**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида нazorat қилиш инспекцияси Рўйхатдан ўтмаган қурилиш объекtlари мониторингини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Ғолиб Маждидов**, "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Аxborot-коммуникация технологиялари бўлими бош мутахассиси **Илёмсон Эрматов**,

Марат Загруддинов, Давлат харидларини ташкил қилиш ва амалга ошириш бўлими бош мутахассиси **Муҳаммадали Юлдашев**, Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш бўлими етакчи мутахассиси **Диёр Илхомов**, Аxborot хавфсизлигини таъминлаш бўлими етакчи мутахассиси **Зиёвуддин Қаҳоров**, Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти бош мутахассиси **Музаффар Ниязов**, бош мутахассис **Светлана Голубева**, мутахассислар **Феруза Баратова**, **Нигора Туляганова**, етакчи мутахассислар **Канолиддин Турсунов**, **Воҳиджон Баратов**,

"O'zbekiston bunyodkori" Нашриёт уйи МЧЖ кадрлар бўйича менежери **Шохсанам Юлчиева**,

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" Давлат муассасаси бош аудитори **Зумрад Газиева**, муҳандис **Олга Мартынюк**, бош муҳандис **Искандар Юлдашев**, ҳайдовчи **Улугбек Абилов**,

"Узоғирсанотлойтиҳа" АЖ БГИ раҳбари **Мирзараҳим Маматов**, АСС-1 гуруҳ раҳбари **Наиль Маматқазин**, бош мутахассис **Баҳром Джураев**,

"Ташгипрогор" АЖ гуруҳ раҳбари **Ойбек Алимбеков**, ГАП сектори раҳбари **Александр Каширин**,

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 4-устахонаси лойиҳа бош архитектори **Хуршид Файзиев**, Смета ва нархларни шакллантириш бўлими муҳандиси **Карина Хаспабова**, Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 10-устахонаси муҳандиси **Уноюн**

Ҳасанов, Иқтисодий режалаштириш ва шартнома муносабатлари бўлими бош мутахассиси **Раъшан Муҳаммадалиев**, Хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси кўриқчиси **Ойбек Шеров**, Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 3-устахонаси 1-тоифали архитектори **Жасурбек Насирдинов**, "Сирдарё" филиали директори **Даврон Абдурахимов**, "Сурхондарё" филиали директори **Бегзод Бобоқулов**, Хўжалик ва дастурий-техник таъминоти бошқармаси ҳайдовчиси **Мурод Агзанов**, Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 2-устахонаси гуруҳ мудири **Надежда Ан**, Шаҳарсоzлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 10-устахонаси бош мутахассиси **Даврон Қаҳрамонов**, Йул ва худудларни муҳандислик лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўлими муҳандиси **Сирожиддин Пайзитдинов**,

Коракалпоғистон Республикаси Тахиятош тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош режарлари амалга ошириш ва объекtlарни жойлаштириш бўйича архитектори **Ақылбек Бегжанов**,

"Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Бухоро вилояти бошқармаси бош мутахассиси **Баҳриддин Каримов**,

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий нazorat қилиш инспекцияси Қурилиш-синов лабораторияси ва бина ва инshootларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими мутахассиси **Собир Юсупов**, фаррош **Шахло Юлдашева**,

Тошкент шаҳар қурилиш бошқармаси бўлими бошлиғи **Исмоилхўжа Абдурахмонов**,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Хусанбой Раҳимжонов**,

Хоразм вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ичимлик суви, Оқова сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш шўъба бош мутахассиси **Сирож Отаназаров**, Қўшқўйр тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Фурқат Балтаев**, уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Максуд Маттиев**, Ҳазорасп тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Фарҳод Қиличов**, Хива шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Дилшодбек Якубов**,

Тошкент вилояти "Иссиқлик манбаи ИЧБ" ДУК бош инженери **Олмос Холбоев**, "Ангрени иссиқлик энергияси" ДУК бош муҳандиси **Юсуфхон Бабаханов**,

Коракалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги "Ong'arbay Qurbaniyozov Servis" МЧЖ БСК бош директори **Алмахан Дошанова**,

Андижон вилояти Бўстон туманидаги "Бўстон шинам уйлар бошқаруви" МЧЖ БСК бош директори **Ёсинбек Адилев**,

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги "Рашид обод профессионал бошқарув компанияси" МЧЖ бош директори **Абдувоҳид Норқулов**, Қарши туманидаги "Орзу-нур ПБК" МЧЖ бош директори **Нуриддин Хусанов**, Миришкор туманидаги "Ми-

ришкор Бошқарув сервис" МЧЖ бош директори **Феруза Джураева**, Нишон туманидаги "Nuriston Gold Ztar" МЧЖ БСК бош директори **Аликул Жамолов**, "Siz Rate Travel" МЧЖ БСК бош директори **Илёр Сатторов**,

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги "Termiz Servis Xizmat" МЧЖ БСК бош директори **Тоҳир Тошбаев**, Қумқўрғон туманидаги "Қумқўрғон уй-жой қурилиш БСК" МЧЖ бош директори **Ойбек Менглибоев**,

Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги "Nur-Classik-Servis" МЧЖ БСК бош директори **Нумон Аноркулов**, Зангиота туманидаги "Семурғ нури" МЧЖ БСК бош директори **Зокир Мусаев**,

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги "Bahor City" МЧЖ БСК бош директори **Эшмўмин Исламов**, Шайхонтохур туманидаги "Mushtariy Biznes Servis" МЧЖ БСК бош директори **Маҳмуд Рўзметов**, "Yangi Jangox Plus" МЧЖ БСК бош директори **Гулмира Асқарова**, Юнусобод туманидаги "Юг Строй таъмир" МЧЖ БСК бош директори **Абдухўшим Амонов**, "Мумтоз сервис" МЧЖ БСК бош директори **Гулнора Атажанова**, "JK OAZIS" МЧЖ БСК бош директори **Ғайрат Муидинов**, Яқкасарой туманидаги "RBB Billur Tog" МЧЖ БСК бош директори **Ботир Раҳматуллаевларни** таваллуд куни билан чин дилдан муборакбад этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК,
УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,
МУСТАҲКАМ СОҒЛИК ТИЛАЙМИЗ!**



Боғи Бобур – Андижоннинг сўлим маскани

Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги миллий истироҳат боғи Андижон шаҳрининг жануби-шарқий қисмидаги Боғишамол даҳасида жойлашган. Умумий майдони 357 гектардан иборат мазкур боғга 1973 йилда асос солинган.



Ана шу йили вилоят ижроия қўмитаси қарори билан андижонлик меҳнаткашлар учун дам олиш маскани ташкил этиш мақсадида Андижон шаҳрига туташ Хакан адирликларидан 300 гектар ер ажратилиб, "Боғишамол" дам олиш масканини барпо этишга киришилди. Қурилиш, ободонлаштириш ишларига вилоятдаги жуда кўп ташкилотлар, кенг жамоатчилик жалб этилди. Чинор, қайрағоч, арча ва бошқа турли манзарали дарракт кўчатлари экилиб, ошхона ҳамда чойхоналар қурилди. Бир неча йил ўтиб, Боғишамол халқ дам оладиган сўлим масканга айланди.

1992 йилда улуг бобомиз Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллик тантаналари муносабати билан мазкур маскан Бобур номидаги миллий истироҳат боғи, деб юритила бошлаган.

– Бугунги кунда боғнинг умумий майдони 357 гектарни ташкил этади, – деди Бобур номи халқаро жамоат фонди раисининг ўринбосари Рустамжон Масолиев. – Асосан 40-50 йиллик дарахтлар билан қопланган боғ ҳудудида шарқона услубда қурилган Арк дарвоза, Бобур Мирзо хайкали, шоирнинг рамзий макбараси, масжид, "Бобур ва жаҳон маданияти" музейи, Уттиздан зиёд замонавий аттракцион, фаввора-лар, узунлиги 3,5 километр бўлган осма сим йўл, ресторан, кафе, кўплаб ошхона ва чойхоналар, меҳмонхона, кутубхона мавжуд. Шунингдек, боғда Бобур номи халқаро жамоат фонднинг идораси ҳам жойлашган.

"Бобур ва жаҳон маданияти" музейидан Бобур халқаро илмий экспедициясининг сафарлари давомида дунёнинг турли ҳудудларидан олиб келинган темир йўллар, бобурийлар сулоласининг тарихига оид ноёб китоблар, кўлэмалар ҳамда турли экспонатлар жой олган.

Музейнинг кириш қисмига зарҳал ҳарфлар билан Президентимизнинг "Захириддин Муҳаммад Бобур бизнинг бобомиз, бизнинг қонимиз, болаларимизга ғурур билан айтадиган буюк аждодимиздир. Мана шундан бизнинг аждодларимиз борлигини, улар Андижон фарзанди эканлигини ҳеч қайсимиз, ҳеч қачон унутмаслигимиз керак" деган сўзлари ёзиб қўйилган.

Асосий экспозициялар зали марказига "Хирот" макети ўрнатилган бўлиб, унинг ёнига Бобур номи халқаро илмий экспедициянинг сафарлари ҳақидаги маълумотлар жойланган.

Бобурнинг рамзий макбарасига эса 1992-1993 йилларда халқаро илмий экспедиция томонидан Бобур Мирзонинг Агра ва Қобулдаги қабрларидан олиб келинган хоки жойланган.

Бобур номи халқаро жамоат фонди ЎзФА Астрономия институти билан ҳамкорликда боғнинг энг баланд қисмида "Ёшлар дунёси" деб номланган илмий-маърифий марказ ташкил этган. Марказда ёшларга коинот сирлари ҳақида маълумот берувчи обсерватория барпо этилган.

Бобур миллий боғи халқаро туризм маршрутига киритилган. Бокча, айникса, баҳор, ёз ойларида узоқ-яқинлардан минглаб сайёҳ, зиёратчи ва дам олувчилар ташриф буюради.

– Бобур боғи хушхаво, сўлим, чиройли ва хушманзара маскан, – деди дам олувчилардан бири, Марҳамат туманидаги 29-умумтаълим мактабининг ўқитувчиси Заримахон Абдукаримова ЎА муҳбири Фахриддин Убайдуллаева. – Айникса, ёзининг жазирама кунла-



ри бу ерда дам олиш кишига роҳат бағишлайди. Шу боис, оиламиз билан тез-тез келиб тураемиз. Бугун ҳам ўғилларим, келин ва набираларим билан келиб, хордиқ чиқаряпмиз. Боғда дам олувчилар учун барча шароитлар яратилган.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, ёз ойларида бу ерга кунига 2-4 минг нафарга яқин юртдошларимиз ҳамда хорижий сайёҳлар ташриф буюради. Сайёҳларнинг кўнгилли дам олиши учун боғда зарур шарт-шароит ва қулайликлар яратилган. Бундан ташқари, боғнинг турли майдон ва сахналарида эртдан кечга қадар кўнгилочар тадбирлар, концерт дастурлари ташкил этилади.

Боғда нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг бошқа мамлакатларида ўсадиган турли хил мева, манзарали дарахтлар, гул ва ўсимликлар парварши қилинади. Боғ ҳудудининг катта қисми адирликдан иборат экани боис, 2014 йилда Бобур халқаро жамоат фонди ташаббуси билан "Зайтун ва бошқа субтропик экинлар етиштириш илмий маркази" ташкил қилиниб, сувсизликка чидамли писта, бодом, ёнғоқ кўчатларини етиштириш ҳамда хорижий давлатлардан олиб келинган зайтун дарахти кўчатларини Ўзбекистон икли-

мига мослаштириш борасида илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирга қадар 4 минг тупдан зиёд кўчатлар экилиб, пистазор, ёнғоқзор, зайтунзорлар барпо этилди. Шунингдек, кейинги йилларда Андижон давлат университети олимлари билан ҳамкорликда бу ерда заъфарон, коврак каби тиббиётда кенг қўлланиладиган ўсимлик кўчатларини етиштириш ҳам йўлга қўйилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилда Андижон вилоятига қилган ташрифи чоғида Бобур номи миллий истироҳат боғида бўлиб, боғни жаҳон андозаларига мос, замонавий, республика мақомидаги маданият ва истироҳат боғига айлантириш юзасидан қатор топшириқлар берган эди. Ана шу топшириқлар асосида кейинги йилларда боғда кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, боғнинг марказий хиббонига муҳташам масжид ва музей қурилди, рамзий макбара қайта таъмирланди.

Боғнинг кириш дарвозаси олдида замонавий фаввора барпо этилди, йўлларга асфальт ётқизиблиб, боғ ҳудудида ўриндиқлар, чиқиндилар учун махсус кўтилар ўрнатилди.

Шунингдек, бокча ташриф буюраётган меҳмон ва зиёратчилар учун қулайликлар яратиш мақсадида дам олиш масканининг энг юқори қисмида жойлашган "Боғи баланд", "Кема" дам олиш жойлари тўла таъмирланди, осма йўлнинг симлари янгиланди. Эндиликда осма йўл кабиналарини замонавий кабиналарга алмаштириш бўйича ҳаракатлар кетмоқда.

Боғнинг кўйи "Буюк ипак йўли" қисмидаги ошхона ва савдо расталари қайта қурилиб, замонавий кўринишга келирилди. "Туяқамар" қисмига 1,5 гектар майдонга замонавий иссиқхона барпо этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Андижоннинг ўзига хос рамзига айланган Бобур номи миллий истироҳат боғи бугун нафақат андижонликлар, балки шаҳар меҳмонлари, сайёҳлар кўнгилли хордиқ чиқарадиган энг сўлим ва гавжум масканларидан бири сифатида барчага манзур бўлмоқда.



IQTIMOY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир хайъати раиси),
Шерзод Хидоятлов,
Давронжон Адиллов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусахҳих **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" **НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ** томонидан **нашрга тайёрланди.**

"ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ" НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МАУССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
"Ўзсанотқурилишматериаллари" уюмаси, "ЎзГАЗКЛИТИ" ДУК,
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК,
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлари:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарь вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-741.
1533 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган кўлэмалар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилади ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масуул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –

А. Эгамбердиев.
Навбатчи –
А. Ҳақбердиев.

ЎА якуни –
Топшириди – 00.25.

12 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сони 2024 йил 30 июль кунини чиқади.

"Respublika mulk markazi" МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган такрорий очиқ электрон-онлайн аукцион савдоларига таклиф этади!

"POSCO" ХК МЧЖнинг 2024 йил 16 июлдаги 24-INF-116-сонли бюртманомасига асосан, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Қувасой кўчаси, 1-уй манзилида сақланаётган қуйида кўрсатилган техникалар ва дастгоҳлар баҳоси кўтарилиб бориш тартибда очик электрон-онлайн аукцион савдоларига қўйилмоқда:

- 2001 йилда ишлаб чиқарилган, вази 17 440 кг бўлган, "Toyota DX-7A" русумли пилталаш дастгоҳи асосий воситаси. **Бошланғич баҳоси – 1 261 669 500 сўм.**
- 1976 йилда ишлаб чиқарилган, вази 390 222 кг бўлган, "Howa UA-27" русумли йигирув дастгоҳи асосий воситаси. **Бошланғич баҳоси – 1 078 963 830 сўм.**
- 1976 йилда ишлаб чиқарилган, вази 456 300 кг бўлган, "Toyota RY-1" русумли йигирув дастгоҳи асосий воситаси. **Бошланғич баҳоси – 1 261 669 500 сўм.**
- 1976 йилда ишлаб чиқарилган, вази 68 300 кг бўлган, "Toyota

FL-6" русумли пилликлеш дастгоҳи асосий воситаси. **Бошланғич баҳоси – 188 849 500 сўм.**

- 1996 йилда ишлаб чиқарилган, вази 6 450 кг бўлган, "Murgates 7-V" ўраш дастгоҳи асосий воситаси. **Бошланғич баҳоси – 17 834 250 сўм.**
- 2006 йилда ишлаб чиқарилган, вази 16 500 кг бўлган, давлат рақамсиз, "ДЗ-171" русумли бульдозер техника воситаси. **Бошланғич баҳоси – 45 622 500 сўм.**

Очиқ электрон-онлайн такрорий аукцион савдо 2024 йил 1 август кунини соат 9.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2024 йил 31 июль кунини соат 18.00 гача.

Юқоридаги мулклар 2024 йил 1 август кунини сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йилнинг сотилмаган кундан бошлаб 15 кун оралиғида 2 мартаба ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 банк кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатал пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини "Respublika mulk markazi" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақами 6005 7145 2006 ХАТБ "Давр банк" Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Барча маълумотларни олиш манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-А уй.
Тел.: 71-237-23-86
<https://online-auksion.uz> электрон онлайн платформа.
001805 рақами гувохнома.

"ШАҲРИСАБЗ ПАХТА ТОЗАЛАШ" АЖ

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Хурматли акциядорлар, Қашқадарь вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси 110-уйда жойлашган "Шаҳрисабз пахта тозалаш" АЖ 2024 йил 14 август кунини соат 11.00 дан бошлаб юқоридаги манзилда акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши бўлиши ҳақида маълум қиламиз.

Умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

- "Шаҳрисабз пахта тозалаш" АЖ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти ва санок комиссия таркибини тасдиқлаш.
- "Шаҳрисабз пахта тозалаш" АЖни тугатиш комиссиясининг ҳисоботини эшитиш.
- "Шаҳрисабз пахта тозалаш" АЖнинг узоқ мuddатдан буён сотилмаган мол-мулкларини ва ундирилмаган дебитор қарзларини акциядорларга, шу жумладан "Қашқадарь пахтасаноат" ҲБАЖга ўтказилганини тасдиқлаш.
- Акциядорлар билан ҳисоб-китоблар тўғрисида.
- "Шаҳрисабз пахта тозалаш" АЖнинг

туғатиш балансини тасдиқлаш.

6. Жамият ҳужжатларини архивга топшириш, қимматли қоғозлар чиқарилувини бекор қилиш бўйича Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига ариза тақдим этиш ва жамият фаолиятини тугатиш ишларини якунлаш тўғрисида.

Умумий йиғилишда катнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2024 йил 8 август ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан тузилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши катнашчиларини рўйхатга олиш 2024 йил 14 август кунини соат 10.00 да бошланиб соат 11.00 гача давом этади.

Умумий йиғилиш катнашчиларининг паспорти, акциядорлар вакилларининг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончномалар билан келишлари сўралади.

Йиғилиш ўтказилишига тайёргарлик кўриш даврида ахборот (маълумот)лар билан танишиш учун қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: 97-381-45-43.

"Шаҳрисабз пахта тозалаш" АЖ ижроия органи.